



Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>

t.me/farhaqiqati



2



ҚЎҚОН ФЕСТИВАЛЬ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ КУТМОҚДА




4

**УРУМЧИ ФОРУМИ:
ЯГОНА АХБОРОТ МАЙДОНИНИ ЯРАТИШ ВАҚТИ КЕЛДИ**

**НЕГА АУТСОРСИНГ
МУНОСАБАТЛАРИГА
ЭҲТИЁЖ ОРТМОҚДА?**

3

**“Call-марказ”:
БИР ДАҚИҚАДА 60 ТАГАЧА
ҚЎНҒИРОҚ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ**



2

**ҚИЗИЛАРИҚДА
БЕКОРЧИ
ОДАМ ҚОЛМАДИ**

5



“Call-марказ”:

БИР ДАҚИҚАДА 60 ТАГАЧА ҚҰНҒИРОҚ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Фарғонада тез тиббий ёрдам бўйича “Call-марказ” фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 16 июндаги “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган ушбу марказда аҳолига замонавий тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча қулай шароитлар яратилиб, чакирувларни қабул қилиш учун кеча-ю кундуз фаолият юритадиган ягона тизим жорий қилинди.

Эндиликда чакирувлар устуворлиги бўйича 5 хил тоифага, яъни бинафшаранг – ҳаётга таҳдид соладиган касаллик ёки жароҳат, қизил ранг – шошилич қўнғироқлар, сарик ранг – тезкор, яшил ранг – тезкорлиги пастроқ ва кўк ранг – тезкор бўлмаган касалликларга ажратилган ҳолда бевосита GPS-орқали кўрилиб, бўш турган энг яқин бригадалар қўлидаги планшетларга узатилади. Тиббий бригадалар чакирувни қабул қилган заҳоти зудлик билан бемор манзили томон ҳаракатланади. Энг асосийси, муассаса халқаро талабларга жавоб берадиган ИТ технологияларига асосланган замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Мазкур ишларни бажариш учун маҳаллий бюджетдан 5,0 миллиард 730,0 миллион сўм, автотранспортлар ва моддий техник базани мустаҳкамлаш учун республика бюджетидан

на филиали ихтиёрида бўлган, транспортлар ва ёнилғини вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси таъ-



директори ўринбосари Азаматжон Абдурахмонов. – Шу сабабли, тез тиббий ёрдам хизмати кўрсатишда, шунингдек, ҳудудларда чакирув билан боғлиқ муаммолар мавжуд эди.

чегарасига қараб эмас, балки беморгача масофа бўйлаб тез тиббий ёрдам кўрсатилади.

Республика тез тиббий ёрдам маркази Фарғона ҳудудий филиали ходими Гулчеҳра Шамсуддинованинг айтишича, шифокорлар 24 соатлик навбатчилик вақтида 30-35 нафар беморга шифо бахш этмоқдалар. Чакирув жойига етиб бориш оралиғиданги вақт анча қисқарди.

“Call-марказ” бир дақиқа 60 тагача қўнғироқ қабул қилиш имкониятига эга. Бир сўз билан айтганда, автоматлаштирилган бошқарув ҳамда соҳадаги янги тизим аҳолига ўз вақтида тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишида бир қанча қулайликлар яратди.

М.ТУРҒУНАЛИЕВА.

9,02 миллиард сўм, ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш учун 746,1 миллион сўм, интернет ва алоқа тизимини яхшилаш учун эса 521,3 миллион сўм сарфланди.

– Авваллари тез тиббий ёрдам хизматида ягона бошқарув йўқ эди. Хусусан, тиббиёт ходимлари туман соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан тайинланса, диспетчерларни ишга қабул қилиш ва дори-дармон таъминоти Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий маркази Фарғо-



минлаган, – дейди республика тез тиббий ёрдам маркази Фарғона ҳудудий филиали

Янги тизим бўйича ягона вертикал бошқарув йўлга қўйилди. Энди туман ёки шаҳар

ҚЎҚОН ФЕСТИВАЛЬ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ КУТМОҚДА

II Халқаро хунармандлар фестивали 21-23 сентябрь кунлари Қўқонда бўлиб ўтади. Ер қуррасининг қайси қисмида бўлмасин, бу нуфузли анжуманда ўз санъатини намойиш этмоқчи бўлган усталар онлайн тарзда фестиваль ташкилий гуруҳига узлуксиз мурожаат қилишмоқда.

– Дунёнинг ҳар бир машҳур хунармандида Қўқон фестивалида иштирок этиш истаги бор. Фестивалга 70 дан ортиқ давлатдан 400 га яқин хорижий меҳмонлар қатнашиши кутилмоқда, – дейди “Хунарманд” уюшмаси Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзааҳмедов. – Бу хунармандлар, соҳа илмий ходимлари, галереялар ва машҳур брендлар асосчиси ҳамда вакиллари, машҳур дизайнерлардир.

Туркий тилли давлатлар туризм пойтахти мақомидаги Қўқон халқаро хунармандлар фестивалига астойдил ҳозирлик кўряпти. Хорижий ва мамлакатимиздан ташриф буюрадиган иштирокчилар учун меҳмонхоналар, журналистлар учун Матбуот маркази тахт қилиб қўйилди. Шаҳар қўча,

хиёбонлари ораста ҳолга келтирилди. Маълумки, Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятида донғи чиққан усталар бор. Улар учун ҳам барча шароитлар яратилди.

– Ўрда майдонида вилоятлардан келадиган 800 га яқин хунармандлар ўзларига хос маданият, санъат асосида кўргазмалар қурадилар, – дейди Расулжон Мирзааҳмедов. – У чин маънода хунармандлар шаҳарчасига айланади. Улар бу ерда маҳорат дарсларини ўтайдилар, ўзлари ясаган буюмларни намойиш этишади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Халқаро хунармандлар фестивали фақат Қўқондагина эмас, кулоллар маркази Риштон, ипакчилик пойтахти Марғилон шаҳрини ҳам қамраб олади. Дастурда



турли-туман тадбирлар режалаштирилган. Масалан, фестиваль доирасида модалар кўргазмаси ташкил этиш кўзда тутилган.

Фестивалда дунёнинг машҳур дизайнерлари қатнашиши кутилмоқда. Шу

билан бирга, биринчи марта жаҳон хунармандчилиги музейи Қўқон шаҳрида очилади.

Сарвар ОБИД.
Элёр ОЛИМОВ олган сурат.

Эътироф

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ “ШУХРАТ”ГА МУНОСИБ

Ўтаётган ҳар онингдан мамнун бўлиб яшашинг учун қилаётган ишингдан, касбингдан завқ туйишинг керак. Ойсанамхон Бердиева билан суҳбатлашиш асносида беихтиёр шу фикрлар хаёлимдан ўтди.

Ойсанамхоннинг ҳар бир сўзи уни аввал Миллий гвардия ходими бўлганидан фахр туйишини сездириб туради. Диллашганингиз сайин кўз ўнгингизда нафақат серғайрат ёшлар етакчиси, балки меҳри кўёш нури каби беминнат, бағрикенг она қиёфаси намоён бўлади.

Дарҳақиқат, Ойсанамхон самимий, ҳеч кимдан ёрдамни аямайди, оғир вазифаларни зиммасига олишдан қочмайди. Ёшларнинг жипслигини таъминлаб, имкониятлардан аъло даражада фойдаланишга йўналтира олади. Мазкур фазилатлари тўғрисида Қўқон шаҳридаги “Собир Абдулла” маҳалла фуқаролар йиғинида эъзоз топди.

Данғара туманида вояга етган Ойсанамхон Қўқон давлат педагогика институтининг география-иқтисод йўналишида таҳсил олди, психоло-

гия соҳасида қайта тайёрловдан ўтди. Лекин у Ватан посбонлари сафида хизмат қилишни орзу қиларди. “Интилганга омад ёр” деганларидек, синовлардан муваффақиятли ўтиб, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Фарғона вилояти бўйича бошқармасига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида иш бошлади. Вақт ўтиб, соҳанинг тажрибали мутахассисига айланди. Хизмат вазифаси доирасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга ҳисса қўшди.

Ойсанамхонни оилапарвар, меҳрибон она десак, ҳеч янглишмаймиз. У Қўқон шаҳридаги собиқ 12-сонли “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиларининг 6 нафарини оиласи бағрига олди. Икки нафар фарзанди билан ака-ука тутинган болалар нутқида Ойсанамхон сабаб илк мартаба “онажон”, “дадажон” сўзлари жаранг сочди.

2022 йилда Қўқон шаҳридаги “Собир Абдулла” маҳалла фуқаролар

йиғинининг ёшлар етакчиси этиб тайинланганидан сўнг ҳудуддаги 1000 нафарга яқин ёшлар билан самимий ва дўстона муносабат ўрнатди. 45 нафарга яқин уюлмаган ёшларга манзилли ёрдам кўрсатиб, уларни жамиятнинг фаол аъзолари сафига қўшди.

Ойсанамхон Бердиева касбига хос жасорати тўғрисида Миллий гвардиянинг “Маънавият аълочилиги” кўкрак нишони билан тақдирланган. Мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллик байрами арафасида эса Президент фармони билан “Шуҳрат” медалига сазовор бўлди.

– Ёшлар етакчиси сифатида доимий равишда янги-янги ёндашув, янги-янги ташаббус излайсиз. Эзгу ғоялар ортидан ёшларни эргаштира билиш машаққат. Янги вазифада иш бошлаган дастлабки кунларда бироз қийинчилик тўғрисида, лекин тажриба асқатди, зиммамдаги вазифа қанчалик қийин бўлмасин, масъулият ҳисси билан уни енгиб ўтдим, – дейди у.

**Дурдона
ГОФФОРОВА.**



НЕГА АУТСОРСИНГ МУНОСАБАТЛАРИГА ЭҲТИЁЖ ОРТМОҚДА?

Ҳар қандай корхона кам сарф-харажат эвазига ўз фаолиятини ривожлантиришга интилади. Аммо бугунги кунга келиб иқтисодий тафаккур ва илмий техникавий тараққиёт бир жойда турмаганидай, субъектлар олдидан ишни аъло даражада бошқариш учун янги ғояларни ва технологияларни ўзлаштириш зарурият бўлиб турибди.

Аутсорсингнинг пайдо бўлиши ҳар қандай жараёнларни, яъни янги технологиялар ва лойиҳаларни бошқаришдан бошлаб, ободонлаштиришгача бўлган ишларни бошқа корхоналарга топшириш имкониятини яратди. Зеро, ўзга меҳнат манбаларидан фойдаланиш маълум ташкилотлар учун кам вақт ва харажат талаб этади.

Бозорда кенг қўлланилиши ва тарқалишига қарама-қарши аутсорсинг тушунчаси кўпчилик мутахассисларга нотаниш. Аутсорсинг янги ишлаб чиқариш усулларини яхлит ҳолга келтирган, кейинги ўн йилликда юзага келган тараққиёт омилidir. Бу атама инглиз тилидан олинган бўлиб, фаолият самарадорлигини ошириш ва таннархни камайтириш мақсадида бизнес жараёнларининг бир қисмини бошқа компанияга топширишдир. Бу ўзига яраша кўриниш олган жаҳон миқёсидаги ёрдамчи пудратчи муносабатдир. Қайсики икки тараф иштирокидаги, яъни буюртмачи компания бир давлатдан ва бажарувчи компания бошқасидан бўлиб, буюртмачи таннархни тушириш мақсадида ёки маҳсулот сифатини ошириш учун баъзи бир ишлаб чиқариш жараёнини бажарувчига топширади. Лекин бу икки тушунчани (аутсорсинг ва ёрдамчи пудратчи) айнан бир нарса деб ҳисоблаш нотўғри бўлади. Ёрдамчи пудратчи – бу бир марталик вазифани бажаради, кейин эса бажарилган иш топширилади, буюртмачи билан

ёрдамчи пудратчи ўзаро ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатда бўлмайди, аутсорсинг эса қулай бизнес жараёндир.

Аутсорсинг муносабатларида бажарувчи компания аслида буюртмачи компания жамоасининг бир қисми бўлиб қолади, лекин фақат муайян ажратиб берилган махсус топшириқларнинг устида ишлайди. Фарз қилайлик, компания аутсорсинг муносабатларига бухгалтерлик хизматини топширади ва бунинг оқибатида доимий ишлайдиган бухгалтерлик бўлимни олади, бироқ ушбу бўлим ўзининг компаниясида эмас, бажарувчи компанияда фаолият олиб боради, ўзида фақат бош бухгалтерни сақлаб қолишининг сабаби, бажарувчи компания ишларни қай тарзда олиб боришини ва алоҳи-

да махфийлик талаб қиладиган ишларни назорат қилиши керак бўлади.

Аутсорсинг икки хил кўринишда мавжуд



бўлади – иншоринг (қачонки, иш давлатнинг ичида, лекин бошқа компания томонидан бажарилса) ва офшоринг (қачонки, ишлаб чиқариш бошқа давлатда амалга оширилса).

Аутсорсинг кўпинча буюртмачи компанияга иқтисодий фойдали бўлиб, ўзининг олий

малакали (кўпинча ноёб, чунки ниҳоятда қиммат) мутахассисларни ёллашдан кўра, чет элда тўлиқ масштабдаги ўзига қарашли компанияга эга бўлишни афзал кўради. Иқтисодий манфаатнинг бошқа томони билан боғлиқ таваккалчилик ўзга қўлларга янги рақобатбардош технологияларни ва махфий маълумотларни бериш бўлса, шунингдек, яна бир таваккалчилик ишни етарли даражада сифатли ёки тезкор бажарилмай қолишиги бўлиши мумкин.

Ҳозирда аутсорсинг замонавий иқтисоднинг нодир ҳодисаси сифатида дунёнинг ҳамма ҳудудини қамраб олди. Ўзбекистонда аутсорсинг муносабатларининг ривожланиб кетиши мумкин бўлган қатор омиллар мавжуд бўлиб, қонунчилигимиз бу муносабатларни мустаҳкамлаб бормоқда. Албатта, ҳар бир тадбиркор ўзи

учун қулай бўлган йўлдан бориб, ўзининг фаолиятини унумли равишда кучайтиришга интилгани каби ушбу муносабатга эҳтиёж кундан-кунга ортмоқда.

Шу билан бирга, аутсорсинг муносабатларини тартибга солидиган алоҳида қонун ҳужжатини яратиш талаб этилмоқда. Сабаби ушбу муносабат ривожланиб боргани сайин мавжуд бўлган қонунчилигимиз билан уни тартибга келтириш қийинлашиб боради. Шунинг учун ҳам “Аутсорсинг шартномаси тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, уни қабул қилиш лозим.

Аутсорсинг хизматларини таклиф қиладиган компаниялар фаолиятини жаҳон стандартларига жавоб берадиган даражага кўтариш ва уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш орқали маҳаллий компанияларнинг нафақат миллий иқтисодиётимиздаги, балки жаҳон бозорида ҳам муваффақиятли ривожланишини таъминлаш мумкин.

С. АНВАРОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Фарғона туманлараро
судининг судьяси.



УРУМЧИ ФОРУМИ:

ЯГОНА АХБОРОТ МАЙДОНИНИ ЯРАТИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги ўзаро ишончли ҳамкорлик алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Айниқса, Сиан шаҳрида давлат раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган Хитой – Марказий Осиё форуми, унда имзоланган ҳужжатлар ҳам мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Учрашув минбаридан Хитой раҳбари Си Цзиньпин “Биз ютуқларимиздан биргаликда фойдаланайлик. Биз рақобатчилар эмас, дўстларимиз” деган эди.

Дарҳақиқат, Марказий Осиё ва Хитой халқи дунё тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. Агар биз бир-биримизни қўлласак, эришган ютуқлар, натижалардан Си Цзиньпин айтганидек, биргаликда фойдалансак, халқларимиз ҳаёти янада фаровонлашади, давлатларимиз янада бақувват бўлади. Бу гаплар тўлалигича оммавий ахборот воситаларига ҳам тегишли.

Хўш, бугунги ўзбекистонлик ўқувчи қўшни мамлакатлар ва Хитой ҳақида нима билади? Афсуски, ахборот майдонида бизларни боғлаб турувчи бирон тузилма ёки ахборот тарқатувчи оммавий восита йўқ. Биз Қирғизистон, Тожикистон, Туркма-

нистон ва Қозоғистон билан чегарадош бўла туриб, у ердаги ҳаёт ҳақида тизимли эмас, пала-партиш ахборотга эгамиз. Аксарият ҳолларда кимнингдир манфаатига хизмат қилувчи сайт, блогер ёки норасмий манба тарқатган маълумотларни ўқиймиз. Шунда ҳам улар жуда оз.

Масаланинг яна бир томони бор, ўзбекистонликларга Хитой ҳақидаги ахборот қизиқми?

Бундан 2200 йил аввал Хитой императорининг элчиси Чжен Цянь бугунги Ўзбекистоннинг Фарғона водийсига келган. Қайтиб боргач, жуда қизиқарли сафар ҳисоботини тақдим этган.



Хитой камбағаллини қисқартириш борасида дунёда мислсиз тажриба орттирди. Статистик маълумотларга кўра, бу рақам Сианда бўлиб ўтган форумда ҳам айтилди. Хитойда 800 миллион одам камбағалликдан

чиқарилган. Ана ўша форумда бу қимматли тажриба ўртоқлашилди. Аммо унинг ишида ғоят чекланган миқдорда журналистлар иштирок этгани учун ҳам ибратли тажриба ҳали мамлакатларимизда

Биринчидан, Марказий Осиё ва Хитой ОАВлари, журналистларини бирлаштирувчи ҳуқуқий мақомга эга ташкилот – альянс ташкил этиш вақти келди.

Иккинчидан, бу альянс муассислигида ягона ахборот воситаси “Биз” номида интернет сайти таъсис этиш мақсадга мувофиқ. Унинг альянс аъзолари бўлмиш мамлакатларда аккредитациядан ўтган муҳбири ва ўша мамлакатлар журналистларидан ташкил топган жамоатчилик бюроси очилсин. Бу интернет сайт альянс аъзолари бўлган давлатлардаги муҳим сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ахборотларни ўша мамлакатлар журналистларини жалб этиб тезкор ва холис ёритиши лозим.

Учинчидан, альянс аъзолари бўлган мамлакатлар ОАВлари “Биз” интернет наشري материалларини кенг тарқатишга фаол ҳисса қўшиши лозим.

Тўртинчидан, ҳар йили бир марта навбат билан альянс аъзолари бўлган мамлакатлар журналистларининг форумини ўтказиш ташкил этилса.

Журналистларнинг Урумчи форумида юртимиз журналистлари шу каби таклифларни киритди. Иштирокчи томонлар уни қўллаб-қувватлашди. Яқин кунларда форумнинг якуний ҳужжати – декларация эълон қилинишига келишиб олинди. Шунини айтиш керакки, журналистларнинг Урумчи форуми доирасида Хитойнинг йирик ахборот агентлиги “China news service”нинг Шинжондаги ваколатхонаси фаолияти билан танишилди. Буюк ипак йўлидаги Турфон шаҳри, “Тянь-Шань Тяньчи” сайёҳлик мажмуасидаги “Осмон кўли” иштирокиларда катта таассурот қолдирди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Тошкент – Урумчи (Хитой).

“

Бизда ундан айрим иқтисод бор холос. Шу муҳим ҳужжат Хитой тарихий музейида сақланмоқда, аммо ҳужжат ҳатто рус тилига ҳам таржима қилинмаган. Ўзбекистонда элчи Чжен Цяньнинг ҳисоботида бўлган қизиқишнинг чеки йўқ.



оммалашмади. Ҳолбуки, бундай ранг-баранг тажриба Марказий Осиё давлатларининг барчасига жуда фойдалидир.

Август ойининг сўнги кунлари Урумчи шаҳрида Марказий Осиё – Хитой журналистлари форуми бўлиб ўтди. Унда ўзаро ахборот алмашувининг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Эътиборли жиҳати шундаки, анжуманда Шинжон ҳукумати ва раҳбариятининг олий мақомдаги вакиллари ҳам иштирок этди. Тадбирда ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг ўсиб бориши заминидан мустаҳкам ижтимоий муносабатлар туриши лозимлиги таъкидланди.

Тан олиш керак, Марказий Осиё бугун дунё геосиёсатининг қайноқ нуқтасига айланди. Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқига қўшни мамлакатлар, масалан, Хитойдаги реал воқеликлар ҳақидаги холис ахборот етказилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришишнинг бирламчи шартлари нимада?



✓ **Хунар – хунардан ризқинг унар!**

ҚИЗИЛАРИҚДА БЕКОРЧИ ОДАМ ҚОЛМАДИ

Қўштепа туманидаги “Қизилариқ” маҳалла фуқаролар йиғини азалдан тadbиркор хунарамандлари билан ном қозонган. Туман марказида мебел-соз усталарнинг алоҳида бозори борлиги уларга жуда қўл келмоқда.

Беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллада хунараманд усталар учун берилган имкониятлар сабаб кенг кўламдаги ўзгаришлар қилинди. Аввало, аҳолининг дунёқараши ўзгарди. Шу вақтга қадар уйда хунарамандчилик билан шўғулланиб келган усталар йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини йўлга қўйди.



Имтиёзли кредитлар, тегишли тавсия ва ёрдамлар натижасида ўтган йилнинг бошидан бугунга қадар бекорчи одамнинг ўзи қолмади. Қўшни маҳаллалардан келиб, Қизилариқ усталарининг хунарамандчилик сирларини ўрганадиганлар сони ортди.

Илҳомжон Исроилов асос солган “Жаҳон аъло мебели” корхонасида ишлаб чиқарилаётган мебеллар бугун соҳанинг етакчи корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олади. Уста маҳаллий бозорда ўз ўрнига эга тadbиркорлардан бирига айланиб улгурди. Замон талаби асосида ётоқхона мебеллари ишлаб чиқариш учун хунараманднинг иш кўроли ҳамisha соз ҳолатда.

– Аввалига уйимда фаолият бошладим. Кейин эса тadbиркорларга яратилган имтиёزلардан фойдаланиб, хусусий корхона ташкил этдим. Биз бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларни вилоят бозорларида сотиш имконига эга бўлдик, – дейди тadbиркор Илҳомжон Исроилов. – Яқинда 17 минг АҚШ доллари эвазига замонавий дастгоҳ сотиб олдик. Эндиликда нафақат мебел ишлаб чиқариш, балки ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаш ва сотувини йўлга қўйиш имконияти яратилди. Яқин йилларда Қизилариқ мебелларини экспортга йўналтирамиз.

Хунараманд корхонасида ётоқхона мебелининг барча бутловчи қисмлари ишлаб чиқариляпти. Унинг ошхона мебеллари ҳам вилоят бозорида ўз харидорига эга. Албатта, давр тараққий

этноқда. Иш унуми ва сифатини таъминлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш анча самара берапти.

Маҳалладаги Умиджон Машрапов дастлаб “Жаҳон аъло мебели” хусусий корхонасида ярим тайёр маҳсулотлар олиб келиб, мебел тайёрлар эди. Ҳозирги рақобат муҳити устадан маҳсулотларнинг барча қисмларини ўзи тайёрлашни тақозо қилди. Энг муҳими, бу тadbиркор ҳам ўнлаб ёшларга касбининг сир-асорини ўргатиб келмоқда.

– Мабел тайёрлашда кўп жараёнларни қўл меҳнати билан бажарамиз. Бу эса маҳсулотларимизнинг янада бежирим бўлишини таъминляпти. Ҳозир кўпчилик асосан ўзимизда етиштириладиган чинор ва ёнғоқ дарахтидан тайёрланган маҳсулотни сўрайди. Чунки, бу дарахтлар ёғочларига яхши ишлов

берилса, мебел жуда чиройли, мустаҳкам бўлади ва кўп йиллар хизмат қилади. Шу сабаб, чинор ва ёнғоқ дарахтларини Россия қарағайи нархидан уч баробар қимматроққа сотиб оламиз, – дейди уста-хунараманд Умиджон Машрапов.

– Интилган, ҳаракат қилган, албатта, ўз мақсадига эришади. Айниқса, бу интилишлар ҳамжиҳатлик асосида амалга ошса, барча натижалар кутилганидан-да самарали бўлиши аниқ. Тез орада яқка тартибдаги тadbиркорлар ва уста-хунарамандлар ташаббуси қишлоқда кооперацияни, катта ишлаб чиқариш марказини вужудга келтиради. Бу эса Қизилариқ мавқеини, одамлар турмуш шароитини янада ошириши шубҳасиз, – дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Абдурахмон Мўйдинов.

✓ **Тadbиркорлик фаолияти**

ЭРТАСИ БУГУНИДАН ПОРЛОҚ КОРХОНА

Тошлоқ туманининг Заркент қишлоғида фаолият юритаётган “Жаҳон Азиз пласт” масъулияти чекланган жамияти ҳақида эшитмаган, тadbиркор Баҳодиржон Сотволдиевни танимаганлар топилмаса керак шу депарада. У хонадонидан оилавий корхона ташкил қилди, ўнлаб ҳамқишлоқларини иш билан таъминлади.

Баҳодиржон Сотволдиев тadbиркорлик ҳаракати-га биринчилардан бўлиб қўшилган. Дастлаб уйдаги ихчам устахонада кичик ҳажмдаги елим идишлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, кейинчалик бизнес фаолиятини кенгайтди. Бунинг учун вилоят ҳокимлигига қилган мурожаатига асосан ажратиб берилган 70 сотих майдонда умумий қиймати 1 миллиард 760 миллион сўмлик инвестицион лойиҳани ишга ту-

ширди. Унга тadbиркорнинг 500 миллион сўм маблағи ва хорижий кредит ҳисобидан 125 минг АҚШ доллари сарфланди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди, ишчилар сони ошди, маҳсулотлар тури кўпайди.

– Замонавий ускуналар билан исталган турдаги елим буюмларни ишлаб чиқарса бўлади. Маҳсулотлар турини кўпайтирганимиз харидорлар сонининг ортишига олиб келди, – дейди ташаббускор тadbиркор Баҳо-

диржон Сотволдиев. – Бугунги кунда корхонамиз уч сменали тартибда ишлаяпти. Бизнесдаги узоқ йиллик тажрибаларимни ўғлим Жаҳонгир ўзлаштириб олган, бугун барча ишларга у бошқош.

Корхона Хитойдан келтирилган юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган, ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштирилган. Йилига 2,5 минг тонна полиэтилен ва полипропилен гранулаларини қайта ишлаш орқали мевасабзавот маҳсулотлари учун елим кутилар, турли сигимдаги суюқлик сақлаш идишлари ишлаб чиқарилмоқда.

– Авваллари мевасабзавотлар учун махсус контейнерлар хорижий давлатлардан сотиб олинарди. Бу каби корхоналарнинг импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўяётгани, ички бозорни тўлиқ таъминлаётгани ҳисобидан келаётган даромад, ўз навбатида, туман иқтисодиёти кўрсаткичининг ўсишига маълум миқдорда ҳисса бўлиб қўшилмоқда, – дейди Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги тadbиркорликка кўмаклашиш маркази туман бўлими раҳбари Зухраҳон Солиева.



Елим буюмлар ишлаб чиқариш янги саноат тури ҳисобланса-да, замон талаби билан бу соҳа ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Бунинг омилларидан бири, шубҳасиз, деҳқончилик ва боғдорчиликнинг ўсиши, экспорт ҳажмининг ошиб бораётганидир. Елим яшиқлар енгиллиги, маҳсулотларни жойлаш ва сақлашдаги қулайликлари билан харидорғир.

– Ишлаб чиқараётган товарларимиз ҳамёнбоп ҳисобланади. Айниқса, сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришда елим идишларнинг ўрни беқиёс. Ҳозирда энг йирик ҳамкорларимиздан бири – “Rash-milk” корхонасига кун ора 10 мингта идиш етказиб берамиз, – дейди сулола давомчиси, ёш тadbиркор Жаҳонгир Сотволдиев. – Харидорларимиз

кўп. Буюртмаларни бажаришда тезкорликка эришиш мақсадида фаолиятимизни янада кенгайтириш устида изланишлар олиб бораёلمиз. Ҳозирда Хитойнинг 350 миллион АҚШ долларилик инвестицион маблағи ҳисобидан ускуналаримиз сонини кўпайтирдик.

Корхонада фаолият олиб бораётган ўттиз беш нафар ходимлардан бири Назира Ҳакимованинг айтишича, ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулай шароитлар яратилган, иш ҳақи ўз вақтида тўланади.

Масъулияти чекланган жамият эришаётган ютуқлардан яна бири шундаки, ишлаб чиқариш жараёнида сифатига бироз бўлса-да зиён етган маҳсулотлар қайта ишланади. Бу эса, атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олади.

Саҳифани Муаттар МАҲМУДОВА тайёрлади.



Таълим ислоҳоти:

МАҚСАДИМИЗ – ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИГА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ЯРАТИШ

Худудларда хусусий мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактаблари фаолият юритаётгани мустақиллик берган имкониятлардан бири десак янглишмаймиз. Биз ҳам бундан олти йил муқаддам "Sirius" нодавлат таълим муассасасини ташкил этганмиз. Дастлабки йиллари 100 нафар ўқувчи қабул қилинган бўлса, айти пайтда уларнинг сони 300 нафардан ортди.

Ҳозирда тажрибали ва изланувчан устозлардан иборат жамоа шакллантирилган. Инглиз, рус тили, математика фанларини чуқурлаштириб ўргатиш мақсадида Нигерия давлатидан халқаро сертификатга эга Nkwonta Chxubem Elvis, халқаро илмий анжуманлар иштирокчиси Наталья Горячко, Хитой Халқ Республикасидаги Сичуан

университетини тамомлаган Диёра Исомиддинова, олий тоифали IT мутахассиси Ихтиёр Атаханов, Ислон университети битирувчиси Дилсўз Қамбарова каби педагоглар жалб қилинган.

Сўнги йилларда эришаётган натижаларимиз билан фахрлан-

сак арзийди. Битирувчи ўқувчиларимизнинг деярли барчаси юқори баллар билан маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасаларига қабул қилинмоқда.

Мактабимиз синфхоналари жаҳон стандартларига мос равишда жиҳозланган. Ўқувчи-

ларимиз республика-мизда ва халқаро доирада ўтказиладиган фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этишмоқда. Жумладан, 8-синф ўқувчиси Бекзод Хурматиллаев "Нирро" халқаро олимпиадасида 3-ўринни қўлга киритди. Шунингдек, ўқувчилардан Саидбек Одилов, Яхёбек Собиржонов, Азизбек Мухторалиев Фарғона шаҳридаги Президент мактабига юқори кўрсаткич билан қабул қилинди. Бу эса мактабда ўқитиш сифатининг юқори эканидан далолат беради, албатта.

Билим масканида ўқувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва эҳтиёжманд оила-

лар фарзандлари бепул ўқитилади.

Мен жорий йилда Америка Қўшма Штатларида малака ошириб қайтдим. У ерда қатор давлат ва хусусий мактабларда бўлдим, таълим тизимидаги янги стандартларни ўрганиб қайтдим.

Ишонманки, бу тажриба келгуси фаолиятимизда ўз натижасини беради.

Ҳар бир ота-она фарзандига муносиб тарбия берадиган экан, унинг келгуси тақдирига ҳам бефарқ бўлмайди, албатта. Уларнинг тарбияси билан бир қаторда, олаётган таълими сифати ҳам фоят муҳим ўрин тутди. Бизнинг мақсадимиз эса ёш авлоднинг, билимли, зукко, соғлом ва Ватанимиз равнақи учун ўз хиссасини қўшадиган инсонлар бўлиб улғайишида муносиб пойдевор яратишдир.

Дилмурод АХМАДАЛИЕВ,
"Sirius" нодавлат таълим муассасаси директори.



НАЗИНАХОН БЕЛАРУСДАН ҒОЛИБ БЎЛИБ ҚАЙТДИ

Шу кунларда Фарғона туманининг "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг хурсандчилигини бир кўрсангиз эди. Тилларидан "Назинахон чемпион бўлибди", "Барақалла, қизим", "Отанга раҳмат" каби эътирофлар тушмай қолди.

Назинахон Абдуллаева содда, самимий, жайдари қиз. У болагидан бир сўзли, қатъиятли бўлиб ўсди. Аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, спортга меҳр қўйди. Тажрибали мураббий Рамзиддин Жумабоев қўли остида спортнинг муай-тай тури билан астойдил шуғулланди. Машақатлар олдида кўз юммади. Кетма-кет туман, вилоят миқёсидаги мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритди. Хусусан, "Бешта муҳим ташаббус" доирасидаги олимпиадада ва Малайзия давлатида ташкил этилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этди.

Яқинда Беларусь Республикасида ўтказилган МДХ давлатлари спортчилари мусобақасида 45 килограммликлар вазнида майдонга тушган Назинахон Абдуллаева финалда россиялик рақиби Елизаветта Заварзинани енгиб, биринчи ўринга сазовор бўлди. Ўзбек қизининг юқори поғонага кўтарилиши эса кўпчиликни ҳайратга солди, ҳавасини уйғотди.

– Рингга фақат ғалаба учун чиқаман, ота-онамининг эътибори, мураббийимнинг кўрсатмалари ва маслаҳатларига доимо амал қиламан. Эришаётган ютуқларимнинг ортида фақат меҳнат ва орзу ётади. Ҳали режаларим кўп. Халқаро майдонларда, олимпиада ўйинларида Ўзбекистон байроғини юксакка кўтариш ниятим бор, – дейди у.

Маҳиёра БОЙБОБОВА.



Хабарингиз борми?

ХУДОЁРХОН МУҲРИ БОСИЛГАН КИТОБ ТОПИЛДИ

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин, ўтмиш тарихимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Собиқ шўролар даврида номлари ҳам ҳадик билан тилга олинган алломалар, хонлар, дин пешволари ҳаёти, илмий фаолияти, бошқарув даври чуқур ўрганилиб, улар ҳақидаги бор ҳақиқат рўйи-рост эълон қилинмоқда.

Хусусан, Қўқон хонларининг сўнгиларидан бири бўлган Саид Муҳаммад Худоёрхон даврига оид манбалар ҳам ўрганилиб, халқдан пинҳон сақланган маълумотлар эълон қилинди. Хонлик даврида 182 мадраса, 6154 масжид, кўплаб қорихоналар бўлганлиги, шаҳарда интизомга алоҳида эътибор берилгани очиқланди. Айниқса, жума кўни шахсан хоннинг ўзи намозда иштирок этиб, сўнгра илм аҳиллари билан сўхбатлашгани ёки талабаларга маслаҳатлар бергани алоҳида диққатга сазовор ҳолат сифатида таърифланади.

Тарих фанлари доктори, профессор Ҳайдарбек Бобобеков ўзининг Қўқон хонлиги тарихига оид асарига тўплаган маълумотларни қайд этар экан, Худоёрхон шаҳардаги мадраса ва масжидларга кўплаб ноёб китобларни вақф қилиб берганини маълум қилган.

Биз музей жамғармасидаги китоблар билан танишаётимиз, олим айтганидек, Худоёрхон вақф қилиб берган бир миҳбосма китобни учратдик.

4335 сақлавиш рақамли китобнинг муқоваси йўқ, дастлабки саҳифалари йўқолган. Шу сабабли китоб қаерда, қачон чоп этилганини билиб бўлмайди.

Китобнинг 1-саҳифасига эски ўзбек ёзувида изоҳ ёзилган, аммо у кейинчалик ўчириб юборилган. Матни ўқишнинг иложи йўқ. Шуниси диққатга сазоворки, китобнинг 35-саҳифасига Худоёрхон муҳри босилган. Бу эса китоб хон томонидан вақф қилинганлигининг исботи.

Абдурахмон Жомий асарига ёзилган шарҳ эканлиги маълум бўлган китобнинг саҳифаларига изоҳ берилмаган, шикаст етмаган. Худоёрхон муҳри босилган мазкур нашр келгусида намойишгоҳдан ўрин эгаллайди.

Ҳ.ОТАЖОНОВ,
"Қўқон" давлат музей-қўриқхонаси филиали –
Фафур Ғулом номидаги адабиёт музейи илмий ходими.



Жума
сабоқлари

Убайдуллох АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона вилояти бош
имом-хатиби

ИСТИҚЛОЛИМИЗ БАРДАВОМ БЎЛСИН!

Бу йил жонажон Ватанимизнинг истиқлолга эришганига 32 йил тўлди. Мустақиллик неъматини яхши англаб, қадрига етиш учун атрофга ибрат назари билан қараш даркор бўлади. Бошқа баъзи давлатлардаги нотинчликлар, етишмовчиликлар, ҳар хил тартибсизликларни кўриб, Аллоҳ таолога шукрона айтиб тугата олмаймиз.

“Соғликнинг қадри билмоқчи бўлсанг – касалга боқ, фарзанднинг қадри билмоқчи бўлсанг – фарзандсиз инсонга қара, тинчликнинг қадри билмоқчи бўлсанг – нотинч юртга эътибор қил”, дейилади ҳикматларда. Мустақиллик, бу – ҳурлик, озодлик, ўз ватани, тили ва эътиқодига эга бўлиш демек.

Мустабид тузум даврида асрлар мобайнида аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган қадриятлар, иймон-эътиқодимиз, миллий урф-одатларимизни халқимиз онги ва шууридан сидириб ташлаш учун катта уринишлар бўлгани, буюк маданиятимиз, диний эътиқодимиз ва кенг дунёқарашимизни йўққа чиқармоқчи бўлганлари, не-не олимларимиз, маърифатимизнинг буюк сиймолари уларнинг қўлларида шаҳид бўлганлари аччиқ бўлса-да ҳақиқат.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: “Вақтики, Аллоҳнинг нусрати ва фатҳ келса... Ва одамларнинг Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб қираётганини кўрсанг... Бас, Роббингни поклаб ёд эт ва Унга истиғфор айт. Албатта, У тавбаларни кўплаб қабул этувчидир” (Наср сураси, 1-3 оят).

Истиқлолдан сўнг халқимиз барча соҳада эмин-эркин салў-ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлгани каби динимиз кўрсатмаларини хотиржам адо этиш бахтига ҳам муяссар бўлди. Минглаб масжидлар очилиб, мўмин-мусулмонлар ихтиёрига топширилди, ўнлаб диний таълим муассасалари барпо қилиниб, у ерда ёшлар диний ва дунёвий фанлардан тахсил олмоқдалар. Азиз авлиё, улуғ аллома ва фозил инсонларнинг мақбаралари ва кўплаб зиёратгоҳлар таъмирланди. Ҳар йили давлат кўмаги билан минглаб ватандошларимиз муборак Ҳаж ва Умра зиёратига бориб келмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси, албатта, Аллоҳнинг инояти ва шунингдек, истиқлолимизнинг сабабидандир.

Буюк аждодларимизнинг бебаҳо асарлари ўрганилиб, уларни она тилимизга таржима қилишдек имкониятларга эга бўлди. Утган йиллар давомида Қуръон, ҳадис, тафсир, фикҳ, ислом тарихи, маданияти ва фалсафасига оид кўплаб йирик тадқиқотлар амалга оширилди. Турли мавзудаги диний адабиётлар, юртимизда яшаб, ижод қилган буюк алломаларимизнинг илмий мерослари нашр этилиб, кенг оммага тақдим қилинди ва қилинмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, “Мир Араб” олий мадрасаси, Имом Бухорий ҳамда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, вилоятларда калом, ҳадис, фикҳ, ақида ва тасаввуф илми мактаблари очилгани ҳамда Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказининг ташкил этилгани диний-маърифий соҳани ривожлантиришга бўлган эътибор намунасидир.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари бошчилигида охириги йилларда юртимиз равнақини юксалтириш, халқ фаровонлигини ошириш, инсон омилига бўлган эътибор кучайди. Натижада халқнинг Ватанга бўлган меҳри-муҳаббати тобора ортишига эришилди ва эришилмоқда.

Халқимизда “Ватан остонадан бошланади” деган нақл бор. Ҳар бир инсон учун киндик қони тўкилган тупроқ, энг кичик ватан – уйи ҳисобланади. Бу ҳақда Қуръони каримда: “Аллоҳ сизга уйларингизни оромгоҳ қилди” (Наҳл сураси, 80-оят) деган. Инсон учун уй – омонлик, хотиржамлик маскани, тинчлик-осойишталик марказидир. Уйимизда хотиржамлик ҳукм суриши учун юртда тинчлик қарор топиши лозим. Оқибатда, жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради. Одамларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган ишонч ва садоқатлари, меҳр ва муруватларининг самимий бўлиши ҳам асосан тинчлик ва хотиржамликка боғлиқдир.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Аллоҳ таоло бандага каттами, кичикми бир неъмат берса ва банда унинг шукронаси учун “Аллоҳга ҳамд бўлсин” деса, шунда у ўша неъматдан ҳам афзалроқ нарсага эришган бўлади” (Имом Ибн Можа ривояти) дея марҳамат қилганлар.

Демак, мустақиллик, тинчлик, хотиржамлик ва саломатлик каби неъматлар – Аллоҳ томонидан бизга ато қилинган улуғ неъматдир. Ҳадисга мувофиқ биз шукур қилсак, бу неъматлар қадрига етсакки, зиёда бўлади.

Аллоҳ бизларни ҳар бир неъматнинг қадрига етувчи, унга шукур қилувчи бандаларидан қилсин!

Ўзбекистон Республикаси Олий та’лим, фан ва инноватсиялар вазирлиги
Муқимий номидagi Қо’қон давлат педагогика институти quyidagi ixtisosliklar bo’yicha doktorantura (DSc), tayanch doktoranturaga (PhD) va stajyor-tadqiqotchilikka 2024-yil uchun QABUL E’LON QILADI:

T/r	Ixtisoslik shifri va nomi	Doktorantura (DSc)	Tayanch doktorantura (PhD)	Maqsadli doktorantura (PhD)	Stajyor-tadqiqotchi
1.	02.00.10 - Bioorganik kimyo	1	4		
2	02.00.09 - Tovarlar kimyosi	1	4		
3	01.01.01 - Matematik analiz		2		
4	01.01.05 - Ehtimollar nazariyasi va matematik statistika		2		
5	02.00.11 - Kolloid va membrana kimyosi		2		
6	03.00.13 - Tuproqshunoslik		2		
7	13.00.01 - Pedagogika nazariyasi. Pedagogik ta’limotlar tarixi		6		1
8	13.00.02 - Ta’lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi	1	10	2	2
9	10.00.01 - O’zbek tili		2		
10	10.00.11 - Til nazariyasi. Amaliy va kompyuter lingvistikasi		10		1
		3	46		4

Hujjatlar <https://phd.mininnovation.uz> sayti orqali 15-sentabrdan 15-oktabrgacha qabul qilinadi.

Tayanch doktorantura (PhD), stajyor-tadqiqotchilikka o’qishga talabgorlar oliy ta’lim muassasasiga quyidagi hujjatlarni taqdim etadilar:

- ariza;
- qisqacha biografik ma’lumotnoma (o’zbek va rus tillarida, belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi);
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi yoki elektron shakli (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ta’lim muassasasi magistraturasi diplom, oliy ma’lumot (mutaxassislik dasturlari bo’yicha) to’g’risidagi diplom nusxalari;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro’yxati, shuningdek, ularning nusxalari tanlangan fan yo’nalishi bo’yicha (1 ta ilmiy maqola va 2 ta tezis, belgilangan tartibda tasdiqlangan holda);
- tegishli xorijiy til bilish sertifikatini;
- O’zbekiston Respublikasi Prezidenti va davlat stipendiyalari sohiblari tegishli hujjat nusxasini taqdim etadilar.

Doktoranturaga (DSc) o’qishga talabgorlar oliy ta’lim muassasasiga quyidagi hujjatlarni taqdim etadilar:

- ariza;
- qisqacha biografik ma’lumotnoma;
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi yoki elektron shakli (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ma’lumot, fan nomzodi yoxud falsafa doktori (PhD) yoki xorijiy davlatlarda unga tenglashtirilgan ilmiy darajaga ega bo’lganligi to’g’risidagi diplom nusxasi;
- tadqiqot mavzusi bo’yicha ilmiy ma’ruza va fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan doktorlik dissertatsiyasi rejasining mufassal loyihasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro’yxati, shuningdek, ularning nusxalari (belgilangan tartibda tasdiqlangan holda).

Qo’shimcha ma’lumot olish uchun Muqimiy nomidagi Qo’qon davlat pedagogika institutining Ilmiy tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy-pedagog kadrlar tayyorlash bo’limiga (telefon: (90) 309-30-02; manzil: Qo’qon shahri, Turon ko’chasi, 23-uy) murojaat etishlari mumkin.

E-mail: quqondpi@umail.uz, kspl_info@edu.uz

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими, “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари таҳририяти” МЧЖ жамоалари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли шоир

Ғулом ФАТҲИДДИНнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ ШОИРАСИНИ ХОТИРЛАБ

Фарғона шаҳридаги Ислон Каримов номидаги театр ва концерт саройида Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова хотирасига бағишланган "Умр яхшиликка сафар бўлсайди" номли кеча бўлиб ўтди. Унда таниқли адиб ва шоирлар, илм-фан, маданият, санъат намояндлари, ижодкорлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Меҳмонлар дастлаб шоира ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазма билан танишдилар.

Тадбирда Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулла Қосимов Энахон Сиддиқованинг ижодий ва жамият ҳаётидаги фаолияти ҳақида сўз юритди.

Хотира кечасида иштирок этган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ботир Эргашев, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Мунаввара Усмонова, Қутлибека Раҳимбоева ва бошқалар шоиранинг ибратли ҳаёт йўли, сўзга бўлган эътиқоди, яратган асарларининг халқчиллиги,

завқли жозибаси билан руҳиятга яқин эканига алоҳида тўхталиб ўтишди.

Вилоят мусиқали драма театри жамоаси томонидан шоиранинг "Она ҳақида дoston" шеърини асари асосида сахналаштирилган парча намойиш этилди. Таниқли хонанда Абдулхай Каримов Энахон Сиддиқова шеърлари асосида басталанган кўшиқларни ижро этди. Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби ўқувчилари шоира хотирасига бағишланган шеърларини ёд этдилар.

М.УСМОНАЛИЕВА.



Анклав ҳудуд – Сўх туманида жойлашган Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари мамлакатимиз давлат чегарасини ишончли қўриқлаб келмоқдалар. Ўз навбатида, Ватан посбонларини профессионал тайёрлаш сифатини ошириш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида тизимли тадбирлар олиб борилмоқда. Бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилган.

Бугунги кунда халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарлар беҳисоб. Шунинг учун ҳам сарҳадлар хавфсизлиги ва дахлсизлигини ишончли ва кафолатли таъминлаш – халқнинг тинч ва осойишта ҳаёти, мамлакат тараққиёти кафолати эканлигини ҳар бир чегарачиларимиз юракдан ҳис этади.

Ғайбулло СОБИРОВ,
Сўх туманидаги ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиси, капитан.

Оғриқли нуқта

МАҲАЛЛАДА ЖИНОЯТЧИЛИК ОШМАСДИ, АГАР...

Ёшлик инсоннинг келажак учун уруғ қадайдиган палласи. Бу даврда экилган ниҳол вақт ўтиб, улкан дарахтга айланади. Кунли келиб, унинг тотли неъматидан бутун жамият баҳра олади. Аммо акси бўлса-чи? Ўз даврида тўғри униб-ўсиши назорат қилинмаган дарахтнинг аччиқ меваси кўпчиликнинг дилини хуфтон қилиши табиий.

"Ёшлик – бебошлик" деган нақл бор халқимизда. Дарҳақиқат, айрим адашган ёшлар майда безорилик, ўғирлик каби жиноятга қўл уриб бебаҳо, бетакрор умрнинг олтинга тенг даврини панжара ортида ўтказётгани сизу бизга яхши аён. Бугун жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари асосан ёшлар ўртасида кўзатилаётгани ҳам аччиқ ҳақиқат.

Маълумотларга қараганда, сўнгги етти ой ичида Қўқон шаҳрида ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар сони ортган, ёшлар жиноятчилигининг катта қисми назоратсиз қолган вояга етмаганлар ҳиссасига тўғри келяпти. Булар ичида энг оғир жиноят этганлар ҳам бор. Вилоятда вояга етмаганлар иштирокидаги оғир жиноятларнинг 20 фоизи ва ўта оғир жиноятларнинг 43 фоизи айнан Қўқон шаҳрига тўғри келган. Ачинарлиси, 47 нафар мактаб ва 18 нафар коллеж ўқувчилари жиноятга қўл урган. Бу республика бўйича энг ёмон кўрсаткич ҳисобланади.

Айниқса, шаҳардаги "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди криминоген масканга айланиб қолган. Йиғинда 4400 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 1084 нафари 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг аксарияти доимий иш ўрнига эга эмас. Асосан мавсумий иш билан шуғулланишади.

Ҳудудда жорий йилнинг январь-июль ойларида 56 та жиноят содир этилган.

Уларнинг 32 фоизи ўғирлик ва фирибгарлик ҳисобланади. Қайд этилган жиноятларнинг ҳар учинчиси гуруҳ ҳолатида содир бўлган, қонунчиликни бузганларнинг ҳам қайд этилмоқда, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Авазбек Мадалиев. – Қўқон шаҳар тез тиббий ёрдам маркази ҳудудимизда жойлашган. Аксарият ҳуқуқбузарликлар шу муассаса яқин атрофида содир этилган. Улар таҳлил қилинганда, бошқа жойлардан келган фуқаролар иштирокида рўй берган ҳолатлар кўплиги маълум бўлди.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, ҳудуд аҳолиси олди-сотди орқали даромад топади. Атрофда ишлаб чиқариш кор-

хоналари деярли йўқ. Шундан бўлса керак, иш билан банд бўлмаган фуқаролар орасида ичкиликка ружу қўйган, наркология диспансери назоратида турадиган шахслар сони ортган. Қолаверса, турилтириш ва туризм соҳасидаги жиноятчиликнинг савдоси ёки истеъмол билан шуғулланиб келаётганлар орасида тақдоран жиноят кўчасига кирганлар салмоқли эканлиги афсуски бор ҳақиқат.



Қўқон шаҳрида жиноятларнинг олдини олишга етарли даражада куч ва воситалар мавжудлиги, аниқ "йўл харита"си ишлаб чиқилганига қарамай, ёшларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига қарши курашиш борасидаги тадбирлар натижа бермаяпти.

– Боланинг ёмони бўлмайди. Фақат уларга эътиборли бўлиш керак, уларни эшитишни, тўғри йўлга солишни билишимиз керак, деган хулосага келдим,

– дейди ҳудуд профилактика инспектори, майор Бунёд Азимов. – Ҳудудимиз учинчи секторга ўтказилди. Ёшлар ўртасидаги жиноятларни кескин камайтириш бўйича ишчи гуруҳлари ташкил қилинди. Улар жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил вояга етмаганлар, жанжалкаш оилалар, ноқонуний савдо-сотик билан шуғулланадиган фуқаролар ўртасида тарғибот ишлари олиб бориляпти. Улар келажакда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш мақсадида давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Ўйлайманки, профилактик тадбирлар ўз самарасини беради.

Ёшлар келажакдаги миллат ташвишидир. Келажакимиз бугунги авлод қўлида эканлигини унутмаган ҳолда, улар томонидан жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилиши эмас, эзгу ва бунёдкорлик ташаббуслари чиқиши ҳақида кўпроқ қайғуришимиз керак. Зеро, бугуннинг ёшлари эртамининг белгилайди.

Муаттар МАҲМУДОВА.

МУАССИСА:
«Farg'ona haqiqati» va
«Ferganskaya pravda»
gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир:
Рустам ОРИПОВ.

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмаҳонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 1943 нусхада чоп этилди. Буюртма № 568. Босмаҳона манзили: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Тўрқон кўчаси, 236-«б» уй.

Бизнинг манзил:
150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур
кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Илҳомжон Жуманов.
Босишга топшириш вақти: 18.00.
Топширилди: 17.30.

